

ДАРС ЖАРАЁНИДА ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ЎРНИ

Холйигитова Бахор Кимсанбоевна

Гулистон давлат педагогика институти
 МТ ва БТ методикаси кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14608818>

Абстракт. Ушбу мақола интеграцион дарс ҳақида. Ўқув фанларини интеграциялаш натижаси фанлар ўзаро боғланмаган ҳолда ўргатилганда шакллантириш мумкин бўлмаган субъектив янги билимларнинг ўзлаштирилиши, — деган концептуал ғояга таянамиз. Таълим жараёнида янги билимларнинг фанлараро синтез жараёни жуда секинкечиб, баъзида у бир қанча ўн йилликларга тенг даврни қамраб олади. Ўқув жараёнида ўқитувчи бир ёки бир неча машғулоти, ёки ҳатто бир неча дақиқаида талабани илгари турли фанларига оид ўзлаштирилган билимларга таянувчисубъектив янги билимга олиб келиши керак бўлади. Яъни, билимларни тайёр ҳолатида бериш эмас, балки уларнинг синтези учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши керак. Бувазифани амалга оширишнинг технологик усулларида бири бир соҳага оид билимларни бошқасига олиб ўтиш билан боғлиқ бўлиб, у фанлараро алоқаларни ўрнатишнинг асосий механизми ҳисобланади десак муболаға бўлмайди. Фанлараро боғлиқлик фалсафий масалаларни шахсан хис этмай туриб, ўқувчига интеграцион машғулоти тақдим этиш мумкин эмас. Зеро, анланмаган интеграция ўқувчи онгидаги билиш жараёнини мавҳум ҳолатга ва у орқали чалкаш ҳулоса чиқаришга олиб келади.

Калит сўзлар: таълим, интеграция, интеграциялаш, интеграцион дарс, инновацион ва интеграцион педагогик технологиялар, ёндашув, синтез.

Кириш.

Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқ, таълим-тарбиявий жараёнларни уйғунлаштиришган ҳолда ўрганиш атроф-муҳитга ижодий муносабатни ўрнатиш ва шакллантириш муаммоларини ҳал этишга имконият яратди. Демак, таълим-тарбияда ҳам амалга оширилувчи ислохотлар мана шу мантиққа мос тарзда, жамиятга хизмат кўрсатиши лозим. Бу ўринда ноананавий ўқитиш шакли-интеграциянинг ахамияти янада ошиб боради. Негаки, интеграциянинг даражасига қараб, унинг қўлланилиш техникасига кўра, амалга оширилган технологиясининг истиқболлини белгилаш мумкин бўлади. Чунки, интеграция етарлича намоён бўлган, турли ҳарактерли мазмуннинг сингдирилиши натижасида янги сифатий ҳолатга ўтишда асосий омил бўлиб юзага чиқа олувчи фактор ҳисобланади. Интеграция фанларнинг механик бирлашиши бўлмай, балки фанлараро синтез бўлиб, алоҳида тизимларнинг яқинлашиши, боғланиши ва ягона бир янги нарсанинг яратилишидир.

Ўз дарсини интеграциялашган усулда ташкил этаётган ўқитувчи аосан нималарга эътибор қаратиши зарур? Албатта, бошланғич синф ўқувчисининг ёши, ақлий

ривожланиш даражаси, ва қизиқишлари доирасига мос тарзда восита ва усуллар танлайди.

Интеграцион дарс лойиҳасининг тематикаси ўқув дастурининг маълум бир масаласига доир бўлиши мумкин. Бунда синф ўқувчиларидаги мазкур мавзу юзасидан ўзлаштириш даражасини белгилловчи билимни чуқурлаштириш, ўрганиш жараёнини дифференциаллаштириш мақсад қилиб олинади. Бундай дарслар одатий дарсландан қизиқарли, аниқ, ихчам ва ўқув материалининг кўлами, янги ва кенг кўламли ахборотга эгаллиги, мантикий шартланганлиги билан фарқланади.

Адабиётлари таҳлили ва методлар.

Интеграция чуқур, ноанъанавий таълим билан тавсифлана олувчи, турфа характердаги катта ҳажмли ўқув материалининг уйғунлашувини ўзида намоён этади.

Инновацион ва интеграцион педагогик технологияларнинг мамлакатимиз таълим соҳасига кириб келиши алоҳида эътибор қаратадиган йўналишлардан бири эканлигини қайд этиш зарур.

Таълимдаги интеграциянинг моҳияти қандай характерланади?

Интеграция тушунчаси таълим жараёнига тадбиқ этилганда иккита маънони англатади: биринчидан, бўлажак ўқитувчиларда бизни ўраб турган атроф-оламни бир бутунликда деб қабул қилинишига эришиш (бунда интеграция таълим мақсади сифатида майдонга чиқади); иккинчидан, фанга доир билимларни умумий жиҳатларини яқинлаштириш (бунда интеграцияга таълим воситаси сифатида қаралади).

Бугунги кунда фанларни интеграциялаш муаммоси педагогик жамоага, ўқувчиларга таъсир этишнинг янги педагогик вазифаларни самарали ечимини фаол излашга қаратилган йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Интеграция ҳажм ва талаб жиҳатдан кенгайиб бораётган фанларни ва унинг тармоқларини дифференциациялаш жараёнидаги кескин қарама-қаршиликлар замирида юзага келди. Бу ҳолат аввал ягона бўлган фанлардаги чуқурлашув, унинг алоҳида йўналишларининг янги ва янги йўналишларининг пайдо бўлиши, айрим тор йўналишдаги ва бу жараёнда янги бир фанларнинг юзага келиши мутахассисларнинг бир-бирларини тушунмасликлари билан характерланади.

Одатда, бундай курсларнинг муаллифлари табиий фанлар материалларини бирлаштириб, уларни бир маълум тизимга келтиришади ва ўз курсларини интегратив ёки комплекс (умумий) деб атайдилар. Кўриниб турибдики, бошланғич таълим тизимидаги табиий фанлар материалларини беришда тўғри кетма-кетликка фақат дарслар тузилишини сақлаб қолибгина эришиш мумкин. Баъзи эътиборли олимлар таъкидлайдиларки, бу анъанавий мактабларда ҳам табиий фанларни кетма-кет ўрганиш йўли билан ҳам ҳал қилинмоқда. Бир қатор олимлар бошланғич таълимга ҳам дарсларга ажратиб ўқитиш анъаналари тарқалган деб ҳисоблайдилар.

Чегарадош фанлар асосида тузилган курслар. Кенг интеграция жараёни олдинги илмий йўналишларни боғловчи янги табиий фанлар ва илмий йўналишлар ҳосил бўлишига олиб келди.

Интеграция-дифференциациянинг акси бўлиб, унга тескари бўлган жараёндир. Униқуйидаги йўналишларда тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

а) ўқув предметлари ва фанлар доирасидаги мазмунни интеграциялаб ўрганиш;
 б) турли ўқув предметларидан таҳсил берувчи шахсларнинг фаолиятларини интеграциялаш;

в) таълим-тарбияшнинг ташкил этиш шакллари ёки ўқув кунини интеграциялаш.

А.Ғуломов ҳамда Ҳ.Неъматовлар таъкидлашича, интегратор жараёнлар бошқа фанлардан олинган маълумотлардан фойдаланиб, ўқувчиларни ҳар томонлама билимли қилиш имкониятига эга бўлишдир. Бунда ўқувчилар бадиий услубни адабиёт фанидан, илмий услубни биологиядан, кимё, физика, математика, ишқоғозлари услубини ҳуқуқ асослари фанларидан олинган материаллар асосида ўрганишлари назарда тутилади.

Интеграциянинг мазмун моҳияти Фариддин Атторнинг қуйидаги фикрларига ҳамоҳангдир: «Бу рўйизаминда майда нарсанинг ўзи йўқ, ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради».

Таълимда ўқувчиларга маълум билимлар тизимини етказиб, уларни фақат эслаб қолишнинг ўзи бугунги кунда етарли бўлмай қолди. Замонавий билим олишдамотивация уйғотиш, мустақил билим олиш иштиёқини ҳосил қилиш, интеграцияасосида таълим бериш долзарб вазифалардандир. Педагогик технология ана шундай талабни рўёбга чиқаришга қаратилган таълим тизимидир. Технологиянинг асосий талаби-ўқувчиларнинг пухта билим олиши, билимларни ўзлаштиришда фаоллик кўрсатиши, мустақил фикрлаши, таълимда аниқ самарадор натижага эришишдир.

Педагогик технология турли-туман қирраларга эга. Биз фақат бир масала-интеграция ва шу орқали самарали натижага эришиш йўл-йўриқлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Муҳокама.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқ, таълим-тарбиявий жараёнларни уйғунлаштиришган ҳолда ўрганиш атроф-муҳитга ижодий муносабатни ўрнатиш ва шакллантириш муаммоларини ҳал этишга имконият яратди. Демак, таълим-тарбияда ҳам амалга оширилувчи ислохотлар мана шу мантиққа мос тарзда, жамиятга хизмат кўрсатиши лозим. Бу ўринда ноананавий ўқитиш шакли-интеграциянинг аҳамияти янада ошиб боради. Негаки, интеграциянинг даражасига қараб, унинг қўлланилиш техникасига кўра, амалга оширилган технологиясининг истиқболини белгилаш мумкин бўлади. Чунки, интеграция етарлича намоён бўлган, турли ҳарактерли мазмуннинг сингдирилиши натижасида янги сифатий ҳолатга ўтишда асосий омил бўлиб юзага чиқа олувчи фактор ҳисобланади. Интеграция чуқур, ноананавий таълим билан тавсифлана олувчи, турфа ҳарактердаги катта ҳажмли ўқув материалнинг уйғунлашувини ўзида намоён этади.

Инновацион ва интеграцион педагогик технологияларнинг мамлакатимиз таълим соҳасига кириб келиши алоҳида эътибор қаратадиган йўналишлардан бири эканлигини қайд этиш зарур.

Таълимдаги интеграциянинг моҳияти қандай ҳарактерланади?

Интеграция тушунчаси таълим жараёнига тадбиқ этилганда иккита маънони англатади: биринчидан, бўлажак ўқитувчиларда бизни ўраб турган атроф-оламни бир

бутунликда деб қабул қилинишига эришиш (бунда интеграция таълим мақсади сифатида майдонга чиқади); иккинчидан, фанга доир билимларни умумий жиҳатларини яқинлаштириш (бунда интеграцияга таълим воситаси сифатида қаралади).

Бугунги кунда фанларни интеграциялаш муаммоси педагогик жамоага, ўқувчиларга таъсир этишининг янги педагогик вазифаларни самарали ечимини фаол излашга қаратилган йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Интеграция ҳажм ва талаб жиҳатдан кенгайиб бораётган фанларни ва унинг тармоқларини дифференсациялаш жараёнидаги кескин қарама-қаршиликлар замирида юзага келди. Бу ҳолат аввал ягона бўлган фанлардаги чуқурлашув, унинг алоҳида йўналишларининг янги ва янги йўналишларининг пайдо бўлиши, айрим тор йўналишдаги ва бу жараёнда янги бир фанларнинг юзага келиши мутахассисларнинг бир-бирларини тушунмасликлари билан ҳарактерланади.

Одатда, бундай курсларнинг муаллифлари табиий фанлар материалларини бирлаштириб, уларни бир маълум тизимга келтиришади ва ўз курсларини интегратив ёки комплекс (умумий) деб атайдилар. Кўриниб турибдики, бошланғич таълим тизимидаги табиий фанлар материалларини беришда тўғри кетма-кетликка фақат дарслар тузилишини сақлаб қолибгина эришиш мумкин. Баъзи эътиборли олимлар таъкидлайдиларки, бу анъанавий мактабларда ҳам табиий фанларни кетма-кет ўрганиш йўли билан ҳам ҳал қилинмоқда. Бир қатор олимлар бошланғич таълимга ҳам дарсларга ажратиб ўқитиш анъаналари тарқалган деб ҳисоблайдилар.

Чегарадош фанлар асосида тузилган курслар. Кенг интеграция жараёни олдинги илмий йўналишларни боғловчи янги табиий фанлар ва илмий йўналишлар ҳосил бўлишига олиб келди.

Интеграция-дифференциациянинг акси бўлиб, унга тескари бўлган жараёндир. Уни қуйидаги йўналишларда татбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

- а) ўқув предметлари ва фанлар доирасидаги мазмунни интеграциялаб ўрганиш;
- б) турли ўқув предметларидан таҳсил берувчи шахсларнинг фаолиятларини интеграциялаш;
- в) таълим-тарбияшини ташкил этиш шакллари ёки ўқув кунини интеграциялаш.

А.Ғуломов ҳамда Ҳ.Неъматовлар таъкидлашича, интегратив жараёнлар бошқа фанлардан олинган маълумотлардан фойдаланиб, ўқувчиларни ҳар томонлама билимли қилиш имкониятига эга бўлишдир. Бунда ўқувчилар бадиий услубни адабиёт фанидан, илмий услубни биологиядан, кимё, физика, математика, ишқоғозлари услубини ҳуқуқ асослари фанларидан олинган материаллар асосида ўрганишлари назарда тутилади.

Интеграциянинг мазмун моҳияти Фариддин Атторнинг қуйидаги фикрларига ҳамоҳангдир: «Бу рўйизаминда майда нарсанинг ўзи йўқ, ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради».

Таълимда ўқувчиларга маълум билимлар тизимини етказиб, уларни фақат эслаб қолишнинг ўзи бугунги кунда етарли бўлмай қолди. Замонавий билим олишдамотивация уйғотиш, мустақил билим олиш иштиёқини ҳосил қилиш, интеграцияасосида таълим бериш долзарб вазифалардандир. Педагогик технология

ана шундайталабни рўёбга чиқаришга қаратилган таълим тизимидир. Технологиянинг асосий талаби-ўқувчиларнинг пухта билим олиши, билимларни ўзлаштиришда фаоллик кўрсатиши, мустақил фикрлаши, таълимда аниқ самарадор натижага эришишдир.

Педагогик технология турли-туман қирраларга эга. Биз фақат бир масала-интеграция ва шу орқали самарали натижага эришиш йўл-йўриқлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Интеграция-айрим бўлақларнинг ёки элементларнинг бир-бирига қўшилиши,

Бир бутунга айланиши, яхлитланишидир «Интеграция» тушунчаси XVIII асрдаёқ Спенсер томонидан изоҳланган эди. Биз ҳам интеграцияни тафаккур ўстириш омили сифатида қараб, уни фанлар аро алоқа ҳамда таълим шакллари синтезлаш тарзида талқин этишга ҳаракат қилдик.

Натижалар.

Таълим ҳамма учун фуқаролик ва ижтимоий масъулиятни ўз ичига олади. Таълим бирликни таъминлаш учун ҳиссий интеграция воситасидир. Биз ҳеч қандай маълумотсиз бирор фойдали ақлий меҳнатни қила олмаймиз. Таълим инсон тараққиётининг муҳим қисмидир. Таълим ҳамма учун тинчлик, адолат, эркинлик ва тенглик дунёсига эришиш воситасидир. Шундай қилиб, таълим ҳамма учун жуда зарурдир. Таълимсиз яхши ҳаёт бўлмайди. Таълим инсоннинг ақл-идрокини, маҳоратини ривожлантиради ва унга имкониятлар эшигини очишга имкон беради. Таълим келажак тараққиётини таъминлайди. Таълим, шунингдек, шахснинг ривожланмаган имкониятлари, муносабати, қизиқиши, талаблари ва еhtiёжларини исталган каналларга ёналтиради. Шахс ўз ehtiёжига қараб таълим ёрдамида атроф-муҳитни ўрганиши ва ўзгартириши мумкин. Демократик мамлакатда таълим барча фуқаролар учун зарурдир. Агар барча фуқаролар таълим олмаса, демократик механизмлар яхши ишлай олмайди. Юртимизда таълим олиш имкониятлари бўлган оилаларнинг мустаҳкам бўлишида, фарзандларнинг оилада баркамол шахс бўлиб камол топишида оила егаларининг таълим ва тарбия кўрганлиги жуда муҳимдир. Таълим муваффақиятга эришиш, белги яратиш ва фойдали ва бахтли ҳаёт кечириш учун муҳим омилдир. Ҳақиқий таълим кишини чинакам инсон, ақлий баркамол этиб ривожлантиради.

Шу ўринда таълимнинг нодавлат ташкилий шаклини юритишга ҳам мамлакатимизда кенг имкониятлар берилаётгани ҳам сир эмас. Шунга қарамай унинг ташкилий жараёнларини бошқариш малум қолипда ҳукумат назоратида бўлади.

- Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади;
- нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли эканлиги;
- кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет ел инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан

бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

- таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий етиш;

- узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий етиш;

- туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар о'з она тилларида та'лим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш.

Интеграция – «бутун» деган маънони билдиради, демак, бу тафаккур ўсиши жараёнининг турли қисм ва элементларини битта бутунга бирлаштириш. Маълумки, педагогика фани юксак ақлий салоҳиятга эга бўлган баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган бўлиб, шунга кўра бугунги кунда давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қабул қилинган муҳим меъёрий ҳужжатлар—Таълим тўғрисидаги Қонун, —2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида кўрсатиб ўтилган баркамол шахсни шакллантириш йўналишлари, қонунятлари ва тамойилларига асосланган ҳолда кенг қўламли тадқиқотларни амалга ошириш зарурияти вужудга келди. Шу сабабли педагогика фани ҳақли равишда давлат томонидан фаннинг устувор соҳаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу жараёнда эса олий таълим ташкилотларида фанлараро алоқадорликни тизимли тарзда амалга ошириш натижасида ўқув-тарбия жараёнининг алоқадорлиги сезиларли даражада ортади. Ўқувчиларда диалектик тарзда фикрлаш кўникмалари шаклланди. Шу билан бир қаторда, ўқув фанларига оид билим ва қизиқишларини ривожлантиришнинг муҳим шартидир.

ХУЛОСА

Замонавий шароитларда фанларни ўқитишда уларнинг интеграциясини таъминлашга етарли эътибор берилмай келмоқда. Ҳатто, ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув режаларидаги физика ва электротехника, кимё ва материалшунослик каби фанлар ҳам тизимли ўзаро боғлиқликни таъминмаган ҳолда ўқитилмоқда. Муаммони бартараф этишга қаратилган тадбирлар эса тегишли ўқув режаларида ушбу фанларни ўқитишнинг вақт бўйича мувофиқлаштирилиши ёки фанлар мазмунини қисман уйғунлаштиришга оид тадбирлар билан чекланмоқда. Уни тубдан ҳал қилиш учун эса, талабалар эгаллайдиган билимлари юқори сифат даражасини таъминловчи ўқувфанлари интеграциясининг зарурий шарт-шароитлари, шакл, мазмун ва воситаларини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Дидактика ўқув фанларини интеграциялашга бирқанча ёндашувларни таклиф қилади, бироқ ҳали бу жараённинг умумеътироф этилганмазмунини, шакл ва воситалари яратилган эмас. Кўпчилик педагог олимлар таълимдагиинтеграцион жараёнларни ўрганишда фундаментал фанларни интеграциялашдагитасаввурлардан келиб чиққан ҳолда иш кўрадилар. Бу ҳолат интеграциянинг дастлабфундаментал тармоқларда амалгашиб, кейинчалик педагогика соҳасигатарқалганлиги билан изоҳланади. Таъкидлаш жоизки, ўқув фанлари илмий фанлардан фарққилади. Фақат бу фарқ улар мазмунида эмас, балки

билимларнинг берилиш шакли, ҳажми ва баён қилиниш чуқурлигида ўз аксини топади. Ўқув фанини ўрганишдан мақсад ўқувчини фандаги объектив янгилик билан таништириш эмас, балки унда субъектив янгиликка эга бўлган билимларни шакллантиришдан иборат. Ўқув фанлари интеграцияси илм-фандаги шу жараёнлардан фарқ қилади. Бумаънода интеграция – фанларнинг дифференциацияси туфайли тарихан таркиб топган ўқув фанларига бўлиб ўқитиш тизимининг камчиликларини тузатишга қаратилган уларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш шакли сифатида қаралиши мумкин. Ўқув фанларини интеграциялашнинг дидактик моҳияти турли ўқув фанлари бўйича янги билимларни шакллантиришнинг концептуал тузилма ва методларини аниқлаш имконини берувчи педагогик тадбирлар тартиби ҳамда қонуниятларини ишлаб чиқиш зарурати билан белгиланади. Тор маънода қаралганда, ўқув фанлари интеграцияси фан соҳаларива илмий билимлар ўзаро синтезининг узвий давоми ҳисобланади. Ўқув фанлари интеграциясининг асосий мақсади субъектив янги билимларни синтез қилишдан иборат бўлиб, интеграция жараёнларининг бош вазифаси – субъектив янги илмий билимларни синтез қилишга қаратилган педагогик технологияларни ишлаб чиқишдан иборат. Ўқув фанларини интеграциялашган ҳолда ўрганишда субъектив янги билимлар синтези қандай кечади? – деган савол юзага келиши мумкин. Дидактикада турли фанларга таалуқли ўқув материалларини битта курсга бирлаштириш каби интеграциянинг турли шакллари таклиф қилинади. Бироқ, педагогик тажрибалар бу каби шаклларнинг етарли самара бермаслигини кўрсатмоқда. Биз, таълим тизимида тарихан таркиб топган фанларга бўлиб ўқитиш тизими сақланиб қолишининг тарафдоримиз. Ўқув фанлари нисбатан мустақил бўлиши керак, чунки уларнинг ҳар бири ўз тили, тушунчалар аппарати, методологияси, методикаси, тадқиқот предмети ва контсепциясига эга алоҳида фан соҳасини ифода этади. Шу билан бирга, уларни ўзаро боғлиқликда ўрганиш билан боғлиқ имкониятлар рўёбга чиқарилиши лозим. Бундай имконият жумладан фанларaro ёндашув асосида таъминланади. Уни ўқув фанларини интеграциялаш шакли сифатида ҳам, субъектив янги билимларни синтез қилиш методи сифатида ҳам қараш мумкин.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2019. - 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ -637.-Т.: 2020.
3. Abdullaev, D., Shukhratovna, D. L., Rasulovna, J. O., Umirzakovich, J. U., & Staroverova, O. V. (2024). Examining Local Item Dependence in a Cloze Test with the Rasch Model. *International Journal of Language Testing*, 14(1), 75-81.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпоэ. –Т.: Ўзбекистон, 2017. 14-б.
5. Р.А.Мавлонова- Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси.
6. В.С.Кукушкина, Болдырева, Вараксина А.В. – Педагогика начального образования.
7. Kholyigitova Bakhor Kimsanboyevna “Using artistic literature in forming the creative skills of primary class pupils” *Science Innovation* 13.02.2023. 253-257-b.

8. Артикова, Д. М., Мирхайдарова, Ф. С., Ахмедова, Ф. Ш., & Артиков, А. Ф. (2023). Изучение инсулинового ответа на введение пиримидиновых нуклеотидов у пациенток с ожирением и синдромом поликистозных яичников (Doctoral dissertation, Ўзбекистон, Тошкент).
9. Shagazatova, B. K., & Alisherovna, K. N. (2023). Changes in the Incretin Levels After Gastric Bypass. Central Asian Journal of Medical and Natural Science, 4(2), 446-450.
10. Жамолдинова, О., & Нарбаева, Т. (2012). Ёшлар маънавиятини юксалтиришда ижтимоий лойиҳаларнинг аҳамияти. Ёшлар маънавияти ва соғлом турмуш тарзи. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент: Зиё, 107-109.

INNOVATIVE
ACADEMY